



Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА

Илм-фан бўлими (электрон журнал)

2020 йил ноябрь

Тошкент – 2020

|  |         |
|--|---------|
| <b>Г.Х.ЭРНАЗАРОВА.</b> Истиклол даври лирикасида диний-маърифий мавзудаги шеърларнинг медитатив хусусияти.....   | 160-172 |
| <b>Ш.М.РАХМОНОВА.</b> Ўзбек адабиётида мустақод: анъана ва ўзига хослик..  | 173-180 |
| <b>Фалсафа</b>   |         |
| <b>А.А.ГУЛОВА.</b> Алишер Навоий ижтимоий-ахлоқий қарашларида аёлнинг ўрни.....  | 181-188 |
| <b>Р.С.РАУПОВА.</b> Хожа Исмаил Бухорий ижтимоий-ахлоқий қарашларининг тарбия тизимидаги ўрни.....   | 189-199 |
| <b>Тарих</b>   |         |
| <b>Р.Х.ХОМИТОВ.</b> Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлашда давлат ва жамият иштироки.....  | 200-206 |
| <b>Д.Р.НОРҚЎЗИЕВ.</b> Мустақиллик йилларида Фарғона водийси шаҳарларидаги экологик талабларни бажарилиши бўйича дастурлар (Наманган вилояти мисолида)..... | 207-212 |
| <b>Техника</b>   |         |
| <b>К.Д.АСТАНАҚУЛОВ, А.Д.РАСУЛОВ.</b> Мош донини фракцияларга ажратиш тозалайдиган машинанинг мақбул параметрларини тадқиқ этиш.....                        | 213-218 |
| <b>У.М.ХАЛИКУЛОВ.</b> Процесс применения физического тепла отходящих газов из дуговых сталеплавильных печей для подогрева металлолома.....                 | 219-230 |
| <b>Ш.Ш.РАХИМОВ.</b> Кон ресурсларидан самарали фойдаланишнинг маркшейдерлик таъминотида ГАТ технологияларни қўллаш.....                                    | 231-241 |

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА Илм-фан бўлими  
(электрон журнал)  
2020 йил, ноябрь сони

Манзил: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй

## ХОЖА ИСМАТ БУХОРИЙ ИЖТИМОЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ТАРБИЯ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ

Раъно Сойибовна РАУПОВА

ўқитувчи

Бухоро давлат университети

Бухоро, Ўзбекистон

[raupovano83@gmail.com](mailto:raupovano83@gmail.com)

### Аннотация

Мазкур мақолада ўрта аср Шарқ маданияти ва фалсафасида муҳим ўринга эга бўлган, Темурийлар саройида яшаб, ижод этган мутафаккир, мутасаввиф шоир Хожа Исмаат Бухорийнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари ва унинг тарбия тизимида тутган ўрни ҳақида маълумот берилиб, мутафаккирнинг ижтимоий-ахлоқий қарашларидаги қатор ахлоқий тушунчалар, меъёрлар таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** Хожа Исмаат Бухорий, Алишер Навоий, ахлоқ, илоҳий ишқ, сабр-қаноат, ижтимоий адолат, раҳбар этикаси, барқамол шахс.

## РОЛЬ СОЦИАЛЬНЫХ И ПРАВСТВЕННЫХ ВЗГЛЯДОВ ХОДЖИ ИСМАТА БУХАРИ В СИСТЕМЕ ВОСПИТАНИЯ

Раъно Сойибовна РАУПОВА

преподаватель

Бухарский государственный университет

Бухара, Узбекистан

[raupovano83@gmail.com](mailto:raupovano83@gmail.com)

### Аннотация

В данной статье представлена информация о социально-этических взглядах мыслителя, поэта Ходжи Исмата Бухари, сыгравшего важную роль в культуре и философии Ближнего Востока, и его роли в системе воспитания. Также анализируется ряд этических концепций и норм в социально-этических воззрениях мыслителя.

**Ключевые слова:** Ходжа Исмаат Бухари, Алишер Навои, нравственность, божественная любовь, терпение, социальная справедливость, этика лидерства, гармонично развитая личность.

Жаҳон халқлари маданий-маънавий меросининг таркибий қисми бўлмиш Шарқ илмий-фалсафий тафаккури асрлар давомида умумбашарий аҳамият касб этиб келмоқда. Шарқнинг буюк мутафаккирлари қаторида юксак ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлган Хожа Исмаат Бухорий ва унинг адабий-маънавий мероси жаҳон халқлари, айниқса ёшларни юксак ахлоқли, етук маънавий, барқамол шахс этиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Юртимизда буюк алломаларнинг илмий-назарий меросларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, уларни тарғиб этиш, миллий кадриятларни асраб қолиш

ва ёш авлодни аждодларимизнинг эзгу орзу ва анъаналари руҳида тарбиялаш борасида олиб бораётган ислохотларни изчил давом этириш, бир вақтнинг ўзида маънавий-маърифий ўзгаришлар соҳасидаги самарадорликни ошириш зарурати тадқиқот йўналишдаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Шунинг учун “биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг ғояларини теран англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз”[1].

Кўплаб тазкираларда Хожа Исматнинг ҳаёт йўли, шахсияти ва юксак иқтидор эгаси бўлганлиги ҳақида қимматли маълумотлар учрайди. Жумладан, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро”, Абдурахмон Жомийнинг “Баҳористон”, Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” ва “Мезон ул-авзон” асарларида унга юксак шахс, фозил инсон сифатида баҳо берилган. Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр”, Али Тақиуддин Кошонийнинг “Хулосат ул-ашъор ва зубдат ул-афкор”, Амин Аҳмад Розийнинг “Ҳафт иқлим”, Абдулло Кобулийнинг “Тазкират ут-таворих”, Мирсаид Роқим Самарқандийнинг “Тарихи касира”, Лутфалибек Озарнинг “Оташкада” асарларида ҳам муҳим маълумотлар учрайди [2].

Хожа Исмат Бухорий маънавий, тасаввуфий-фалсафий, илмий мероси ўсиб келаётган ёш авлодда ислом дини ва тасавуф таълимоти, айниқса дин ниқоби остида фаолият кўрсатаётган бузғунчи диний-экстремистик оқимларнинг соф исломдан йироқ эканлиги борасида тўғри тасаввур кўникмаларини шакллантириш имкониятини яратади.

Хожа Исматнинг дунёқарашини у яшаб фаолият кўрсатган XIV аср охири ва XV аср биринчи ярмида ижод майдонида Мовароуннаҳру Хуросонда яратувчилик билан шуғулланган замондош шоирларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий, ахлоқий-фалсафий қарашларидан ажратиб олган ҳолда талқин қилиш мумкин эмас. Чунки бир масканда, бир хил маънавий-маданий муҳитда яшаган мутафаккирларнинг ҳаёт, инсон, уни ўраб олган мавжудот, атрофда содир бўладиган воқеа-ҳодисаларга нуқтаи назарининг турлича бўлишини ақлга сиғдириш душвор. Хусусан, табиатнинг олий хилқати инсон тақдири устида бош

қотирувчи, уни рухий-маънавий балоғат пиллапояларида кўриш орзуси билан нафас олувчи ижод аҳли хусусида шундай гапни айтиш жоиздир.

Ишқнинг инсон маънавий-рухий, ахлоқий камолотида муҳим омил эканлиги Атоий, Саккокий, Гадоий, Ҳофиз Хоразмий ва Мавлоно Лутфийларнинг ғазалиёти учун ҳам бегона эмас. Қуйида матлаъ ва мактаъи келтириладиган ғазаллар шу фикримизни қувватлайди:

Мени шайдо қиладурғон, бу кўнгулдур, бу кўнгул,  
Хору расво қиладурғон, бу кўнгулдур, бу кўнгул.  
Ўзгадин кўрмаки кўзунг ёшини, эй Лутфий,  
Айни дарё қиладурғон, бу кўнгулдур, бу кўнгул [3].

**Яна:**

Оҳ, ул санам ҳажринда кўз ҳар лаҳза дарё бўлгуси,  
Ой чехрасин анғонча юз турлу сурайё бўлгуси.  
Ҳижрон захри мунда йўқ бўлса, эй Саккокий, санга,  
Ул шохнинг аччиқ сўзи, сўкунчи ҳалво бўлгуси [4].

Юқоридагилардан кўринадикки, парчаларда ҳаракат қилувчи шеър қаҳрамони ошиқнинг маъшуқа ташвиш-тараддудларидан бошқа дарди йўқ. Лутфий талқинидаги шеър қаҳрамони бошига тушган ҳижрону изтиробларнинг бош сабабчиси сифатида ўз қалбини билади. Яратганга маскан вазифасини ўташи мумкин бўлган пок инсон (солик) қалби бадий талқинини топган укубатларнинг манбаидир. Худди шундай гапни кўзлардан дарё мисол оқувчи ёш хусусида ҳам айтиш мумкин. Мусулмонликнинг асосий рукнларидан яна бири иймондир. Хожа Исмаил ҳам айни ҳақиқатни эътироф қилади ва унинг қирраларини бадий бўёқларда ривожлантириш йўлини хуш кўради. Жумладан, қуйида келтириладиган ғазал сатрларида шундай майл равшан назарга ташланади:

Парирухон, ки чу хуршед аълам афрўзанд,  
Ба айши нури руҳат чун ситора дар рўзанд,  
Зи суратат хама таълими хусн мегиранд,  
К-аз ў ба мактаби хуби малоҳат омўзанд [5].

Диний таълимотга кўра, Аллоҳ фаришталарини эътироф этмоқ иймондандир. Шоир ҳам шу фикрдан узоклашмайди, аксинча, тан олади. Ғоят рангли ва оддий

сўзлар ёрдамида хосил қилинган мисраларда ўша майлни равшан кўриш мумкин. Малоикалар – паричехралар, улар ою куёшдай нур сочиш, мулки борликни ёритиш кудратига эга. Мисралардан аёнлашадики, шоир ҳар бир сўзнинг ўз ва тағ маъносига урғу беради. Фаришталар ва ер гўзалини ёнма-ён тутиш, уларни улуғлаш йўлидан боради. Шоир учун ҳар қандай гўзалнинг фақат зохирий ҳусни эмас, балки ботиний олами кадрлироқдир. Бу шеърий парчада келган “малоҳат” сўзининг қўлланилишида равшан намоён бўлади.

Инсонларнинг табиат ва жамият нафосати, гўзаллигидан баҳра топишга, замон ва маконда осойишталик, хотиржамликни таъмин этишга даъват туйғуси Ҳофиз Хоразмий шеъриятида ҳам етакчилик қилади. Жумладан, туркигўй шоирнинг мана бу қитъасида ўша ғояларнинг гўзал бадиий ифодасини кўрамиз:

Коми жонни тилама, эй оқил,  
 Чун бу оламнинг ичра йўқдур ком.  
 Ком агар бўлса эрди оламда,  
 Топғай эрди тан ичра жон ором.  
 Бесаранжом кўринур ишлар,  
 Чун кўрунмас жаҳон ишинда низом.  
 Оқибат чун жаҳонда қолмасмиз,  
 Яхши улдурки, яхши қолса ном [6].

Кўринадики, ком сўзининг кўп маънолилиқ хусусиятини ишга солган шоир дунёнинг бебақолиги, мол-мулкнинг бевафолигига урғу берар экан, замондошларини андишали, мурувватли, саховатли, меҳр-оқибатли бўлишга ва ўзидан яхши ном қолдиришга даъват қилади.

Хожа Исматнинг дунё, инсон, унинг яшашдан мақсадига доир ижтимоий-фалсафий қарашлари фақат ғазалларидагина эмас, балки унинг катта ҳажмли қитъаларида ҳам гўзал бадиий тасвирини топган. Фикримиз далили учун унинг қуйидаги тўққиз байтли қитъасини таҳлилга тортамиз:

Касоне, ки сад ҳамчу мо дар хаҳон,  
 Таваоиву сарвари доштанд.  
 Дар ин киштзори таҳайюр баче,  
 Давиданду тухми амал коштанд.

Ба сад хирсу таъхил карданд ҳамъ,  
 Ба вақти дарав ҳар чи бардоштанд.  
     Дар ин хобгоҳи адам хешро,  
     Муқимони ховид пиндоштанд.  
 Ба дурӯза мӯхлат бар ин раҳ гузор,  
     Басе коҳи ишрат барафроштанд.  
     Чу вақти раҳил омад ин хумларо,  
     Бирафтанду бар роҳ бигзоштанд.  
 Ду чашме, ки ҳаргиз нашуд пур зи хирс,  
     Ба як дам ба хокаш бианбоштанд.  
     Аз он буд ин хумла саргаштаги,  
     Ки аз умр мӯхлат тама доштанд.  
 Хуш онон, ки чун Исмат аз ҳар чи буд,  
     Гузаштанду нобуда ангоштанд [7].

Хожа Исмат Бухорий ижтимоӣ-фалсафӣ қарашларида инсоф ва диёнатга, вафога даъват қилувчи, вафодан кӯра жафога ён босувчилар давронининг ўткинчилигига доир тагдор ишоралар замиридан исматона оҳанг кулоққа чалингандай бўлади.

Хожа Исмат Бухорийнинг ижтимоӣ-фалсафӣ қарашларидан ижтимоӣ адолат масаласи ҳам муҳим ўрин олган. Адолат инсонийликнинг мардлик, ҳалоллик ва тўғрилиқ, оддийлик ва камтарлик, имон ва эътиқод, самимийлик ва садоқат, уятчанлик ва ор-номусдан иборат олийжаноб фазилатлар қаторида алоҳида аҳамият касб этади. Адолат бор жойда садоқат, меҳр оқибат ва барака бор. У инсонларни ғолиблиққа, ахиллик ва иноқликка чорлайди. Тинчлик, осойишталикнинг, ўзаро ишонч ва ҳурматнинг замини ҳам адолатдир. Адолатсиз муҳитда эса келишмовчилик ва зиддиятлар илдиз отиб, каттадан-катта ижтимоӣ, иқтисодӣ ва маънавий ўпирилишлар содир бўлиши мумкин. Адолат жамият, давлат ва кишилик ҳаёти учун ўта зарур ва улуғ неъмат. Адолат - араб тилида одиллик ва тўғрилиқ маъносини билдириб, у ижтимоӣ, фалсафӣ, ахлоқӣ ва ҳуқуқӣ маъноларда ишлатилади.

Халқимизнинг энг қадимги оғзаки ижодида ҳам, ёзма манбаларда ҳам адолат тушунчаси ҳақида фикр юритилганда, у инсонлар ўртасидаги эзгулик, одамийлик, яхшилик тамойили сифатида қайд этилади. Дарҳақиқат, адолат сўзининг замирида қанча-қанча ҳикмат бор. Ҳар бир инсон қалбан, жисман адолатга интилади. Шарқнинг таниқли мутаффақкири Насириддин Тусий ижтимоий адолатнинг қуйидаги учта талаби ҳақида шундай таъкидлайди:

биринчи талаби аҳоли турли табақаларининг ўзаро уйғун бўлишини таъминлаш;

иккинчидан, эл-улуснинг ҳақ-ҳуқуқи тенг таъминланган ҳолда, кишиларни хизматга таъйинлашда шахснинг салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиши керак;

учинчи талаби эса, барчанинг тенг фаровонлигини ҳимоя қилиб, бу фаровонликни амалга оширишдаги хизмати ва ҳуқуқига қараб ҳар бир инсон ўз улушини олишга имкон яратиш.

Алломанинг ижтимоий-фалсафий, ахлоқий қарашларига назар ташлар эканмиз, айниқса инсоннинг сабр қаноатли бўлиши, сабр-қаноатлилик фазилати улуғланганлигининг гувоҳи бўлдик. Барча олиму фузалолар, машҳур файласуф, тарихчилар “Бухоро, Ўрта Осиё буюк цивилизация маданияти бешиги бўлган. У ўзида кўхна ва ҳаратомуз тарихни мужассам этган заминдир” деб таърифлаганлар. Шоиру фозиллар юрти бўлмиш Бухоройи Шариф жаҳон илму-фани ва маданиятига юзлаб алломаларни етиштириб берганлиги сир эмас. Бу алломаларнинг кўпчилиги ҳақида тўлиқ ёки қисман маълумотга эгамиз. Лекин яна бир қанча шоиру фозиллар борки, улар тўғрисида ҳатто тасаввурга ҳам эга эмасмиз.

Хожа Исмаи ижодидан таҳлил қилинган биргина қитъани денгиздаги томчига ўхшатиш мумкин. Умуман жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, инсонпарварлик ва эзгулик амалга ошишида Хожа Исмаи Бухорийнинг сабр-қаноатлилик ғояларини инсонлар қалби ва онгига чуқур сингдириш зарурдир.

Шарқ классикларининг пандномалари ва ҳикматлари халқнинг моддий ва маънавий ҳаётида катта мавқега эга бўлиб, тарбия ва шахсий ибратнинг муҳим воситаси вазифасини ўтаган. Хожа Исмаи шеърятининг мавзу, ғоя ва бадиияти

ҳақида фикр юритар эканмиз, ўша дилбар мисралар оҳорини кўтариш, нафосатини таъмин этишда муҳим омиллардан ҳисобланган вазн масаласида ҳам мулоҳаза юритиш маъкул.

Эй он ки барандохтаи расми вафоро,  
Якбора фаромўш макун хониби моро.  
Аз пой дарафтодаму аз сар хабарам нест,  
Оё ту куни ёди мани бесарупоро.

Хожа Исмат, Атоий, Саккокий, Гадоий, Ҳофиз Хоразмий ва Лутфийлар фалсафий-ахлоқий қарашларининг мавзулари, ғоялар олами ва мазмуни ҳақида баҳс этувчи қарашларнинг қиёсий таҳлили жараёнида амин бўлдики, айти мутафаккирларнинг ахлоқий қарашлари ҳаётий муҳим масалаларга бағишланиб, ғоятда ибратомўз ва таъсирлидир. Шу билан бир қаторда, уларда одамийлик, бир-бирининг қадрига етиш, мақсадга эришиш йўлида ҳаракат қилиш, аҳду вафо, ширинсуханлик, адолатга даъват, беозорлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, бағрикенглик, ҳаётга меҳр кўзи билан қараш, хокисорлик каби қатор олижаноб ғоялар тараннуми етакчилик қилади.

Ғамхона сари оташи дили мо мақоми туст,  
Бар нури дўзахе биҳишт бар ин дар ў аст.  
Вайрона аст Исмат, хокию дарди ишк  
Кунчи саодатист, ки доим дафин дар ў аст [8].

**Мазмуни:**

Дил оташимиз боши ғамхона – мақомингдадир,  
Дўзах нури жаннат каби унинг ичиндадир.  
Вайронадир Исмат, бўлиб тупроқ ишк дардида  
Бахт кунжида, доим йўқлик илинжидадир.

Таъкидлаб ўтганимиздек, Хожа Исмат танлаган сўнгги чора зоҳидлик бўлди. У яссавия тариқатида ёқланган зоҳидликни нақшбандия тариқатидан устун қўймайди. Аксинча, зоҳидлик, бу зухду такво йўли бўлиб, барча тариқатда учрайдиган ҳолат деб тушунади. Бироқ ундаги яққаланиш, ўзини ғамхонада маҳкум этиб, Аллоҳнинг зикри билан банд бўлиш қарори нақшбандия тариқатидан

бирмунча фарқ қилади. Унда ижтимоий курашчанлик позицияси сустлашади, жамиятдан ажралиб қолади.

Хожа Исмаат Бухорий ижодининг ахлоқий ва маънавий масаларидан бири “Фақирона ҳаёт кечиришнинг подшоҳликдан афзал саналиши” масаласидир. Мулк ва давлат йиғилган жойда ҳукмронлик пайдо бўлади. Ҳукмдор эксплуататорга айланади ва зулму зуғум авж олади. Бу инсониятни таназулга ҳукм этади. “Фақирона ҳаёт кечиришнинг подшоҳликдан афзал саналиши” инсоннинг виждон амри ва қалбининг покланишига етакловчи ахлоқий воситадир. “Виждон – ахлоқий тушунча, яхшилик нима-ю, ёмонлик нималигига жавоб берадиган ички ишонч, ўз хатти-ҳаракатлари учун масъулиятни англаш” [9] дир.

“Ҳукмдор бўлиш ўта масъулиятли вазифа. Бошқаларни бошқариш, уларга тўғри йўлни кўрсатиб боришдан аввал бундай шахс ўз хулқ-атворини ўзига итоат эттира олган бўлиши шарт. Ахлоқ-одобда барчага ўрнак бўла оладиган инсонгина бошқаларга ҳукмдор бўлади. Доно раҳбарлар, эътиборли ҳукмдорлар ўз фуқаросини эзгу ният, эзгу ишларга одатлантириб бориб, уларнинг ўзларини юксак фазилатлар соҳиблари қилиб тарбиялайдилар” [10]. Акс ҳолда мулк ва давлат инсонга ташвиш келтиради, инсоннинг маънавиятига путур етказди. Унда нафси аммора кучайиб бориб, унинг ҳалол ва пок яшашига болта уради, нафс балоси унинг онгига кишан солади.

Хожа Исмаатнинг дарвешлик мулки – рутбасига эга бўлиши, унда моддийликнинг инкор этишида, ўткинчи молу мулкка эгалик қила олмаслик ва шу сабабли маънавий-руҳий оламга эга бўлмоқни иддао қилишидадир. У, ҳатто шоҳлик давлатига эга бўлган одам ҳам, гадолик иқболига маҳкум бўлишини асло унутмаслиги кераклигини таъкидлайди.

Пировардида, Хожа Исмаат фозил инсон ва эътиқод соҳиби сифатида нақшбандия таълимотидек жамият ва борлик учун муҳим саналган мукаммал прогрессив ғоянинг эзгу ишларга дахлдорлигини яхши англади. Унинг зоҳидликни ёқлаши нақшбандийликни инкор этишидан эмас, балки оилавий шароитининг издан чиқиши ва тушкунлик руҳиятидан келиб чиқади. Мусибатни яқкаликда енгиш учун боқийлик оламига шошилади. Уни бу дунёнинг

ташвишлари қизиқтирмай қўяди. Шу сабабли ғамхонага кириб, Аллоҳдан нажот излайди. Буни эса тариқат қоидаларига зид билмаслик керак.

Тасаввуф таълимоти жамиятда ахлоқий муносабатларни энг тўғри, энг яхши, манфаат туйғусидан йироқ бўлган ҳолда тартибга солгани, таълим бергани билан аҳамиятлидир. Хожа Исмаат Бухорийнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари айни мақсадни рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Мутафаккирнинг ижтимоий-ахлоқий қарашларида қатор ахлоқий тушунчалар, меъёрлар, тамойилларга эътибор қаратилган. Хожа Исмаат Бухорий ахлоқсизликнинг ҳар қандай кўринишини қоралаган, инсон ва жамиятда юксак ахлоқий фазилатлар мавжуд бўлиши лозимлиги ҳақидаги ғояларни илгари сурган.

Иймон, виждон, эътикод, сабр-қаноат, ижтимоий адолат, факрлик, фидоийлик, ватанпарварлик ва бошқа масалалар мутасаввиф шоирнинг ахлоқий қарашларининг марказида турган.

Хожа Исмаат ижтимоий-ахлоқий қарашларининг мавзулари, ғоялар олами ва мазмуни ҳаётий муҳим масалаларга бағишланган ва уларда одамийлик, бир-бирининг қадрига етиш, мақсадга эришиш йўлида ҳаракат қилиш, аҳду вафо, ширинсуханлик, адолатга даъват, беозорлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, бағрикенглик, ҳаётга меҳр кўзи билан қараш, хокисорлик каби қатор олижаноб ғоялар тараннуми ҳам етакчилик қилади.

Мутасаввиф шоирнинг ижтимоий-ахлоқий қарашларида яна бир муҳим жиҳат раҳбар этикасига оид қарашларни таҳлил қилганидир. Бу масалада Хожа Исмаатнинг “Хукмдор бўлиш ўта масъулиятли вазифа. Бошқаларни бошқариш, уларга тўғри йўлни кўрсатиб боришдан аввал бундай шахс ўз хулқ-атворини ўзига итоат эттира олган бўлиши шарт. Ахлоқ-одобда барчага ўрнатилган бўла оладиган инсонгина бошқаларга хукмдор бўлади. Доно раҳбарлар, эътиборли хукмдорлар ўз фуқаросини эзгу ният, эзгу ишларга одатлантириб бориб, уларнинг ўзларини юксак фазилатлар соҳиблари қилиб тарбиялайдилар”, мазмунидаги фикрлари диққатга сазовор ва долзарбдир.

Алломанинг комил инсон ҳақидаги қарашлари эса ўзининг маъно-мазмуни, ёндашуви, ғоялари билан жуда рационалдир. Комил инсон ҳақидаги қарашларида аллома ижодининг асосий ва марказий ғоялари ўз ўрнини топган.

### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш.М. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // Тошкент, 2017. Халқ сўзи. – № 196 (6860).
2. Абдурахмони Жомий. Баҳористон. – Душанбе: Адиб, 1987. – 159 с.
3. Абдулло Кобулий. Тазкират-ут-таворих. – ТоҷФАШИ, № 138;
4. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 13 том. – Тошкент: Фан, 1997. – 282 б.
5. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 16-том. – Тошкент, 2000. – 257 б.
6. Али Тақиуддин Кошоний. Хулосат-ул-ашъор ва зубдат-ул-афкор. – Санкт-Петербург оммавий кутубхонаси кўлёмалар фонди. Инв. рақ. 321. –Б.70;
7. Амин Аҳмад Розий. Ҳафт иқлим. – ТоҷФАШИ, № 140. – 404 с.
8. Бухорий, Хожа Исмаи. Девон. – Техрон: Толоркитоб. //Нашрга тайёрловчи Аҳмад Карамий. 1987. – 590 б.
9. Бухорий, Хожа Исмаи. Девон. Аввали зухури дувўми Хожа Исмаи. – Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилоят кутубхонаси Шарқ кўлёмалари фонди. Инв. рақ. 262. 81 варак. 12- ғазал.
10. Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони //Форс-тожик тилидан Б.Аҳмедов таржимаси – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1981 – 224 б.
11. Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. – ЎзФАШИ, № 53. –Б. 361;
12. Григорян А. Художественный стиль и структура образа. – Ереван: 1974. – 66 с.
13. Лутфий. Сенсан севарим //Нашрга тайёрловчилар Содир Эркинов, Эргаш Фозилов, Эркин Аҳмадхўжаев. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 1987. – 146 б.
14. Носиров Р.Н. Ибн Сино қарашларида инсон ва унинг тақдир муаммоси // Фалсафа ва тасаввуф мавзуидаги республика илмий-амалий семинар материаллари. Бухоро, 2008. – Б. 193-196.
15. Саккокий. Девон. ЎРФАШИ кўлёмалар фонди, инвентар рақам 7685. 24– варак.

16. Фалсафа, эциклопедик луғат. – Тошкент: Ўзбекистон миллий эциклопедияси, 2010. – 344 б.
17. Хоразмий, Ҳофиз. Девон. 2 томлик. К.2. – Тошкент: ЎзКПМК нашриёти, 1981.– 225 б.
18. Шарафуддин ибн Аълам. Таърихи касира. СамДУ, № 176502. –Б.38.

*Тарих*

## ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДА ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ИШТИРОКИ

**Равшан Хомитович ХОМИТОВ**  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
Ўзбекистон Миллий университети  
Тошкент, Ўзбекистон  
[ravshan\\_h85@mail.ru](mailto:ravshan_h85@mail.ru)

### Аннотация

Мақолада Ўзбекистоннинг полиэтник давлатлиги, минтақа ривожини ва таракқиёти кўп жиҳатдан миллатлараро тотувликка боғлиқлиги тадқиқ қилинган.

**Таянч сўзлар:** миллатлараро тотувлик, полиэтник, моноэтник, “Ўзбек модели”, байналмилал, халқлар дўстлиги, халқ дипломатияси, бағрикенглик, давлат сиёсати, диаспора.

## РОЛЬ ГОСУДАРСТВА И ОБЩЕСТВА В ОБЕСПЕЧЕНИИ МЕЖНАЦИОНАЛЬНОГО СОГЛАСИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

**Равшан Хомитович ХОМИТОВ**  
Доктор философии по историческим наукам (PhD)  
Национальный университет Узбекистана  
Ташкент, Узбекистан  
[ravshan\\_h85@mail.ru](mailto:ravshan_h85@mail.ru)

### Аннотация

В статье исследуется тот факт, что Узбекистан является полиэтническим государством, а развитие и процветание региона во многом зависят от межнационального согласия.

**Ключевые слова:** межнациональное согласие, поли этничность, моно этничность, «узбекская модель», интернационализм, дружба народов, народная дипломатия, толерантность, государственная политика, диаспора.

Маълумки, Ўзбекистон кўпмиллатли давлатлар таркибида бўлиб, бу жараённинг шаклланиши узок тарихга бориб тақалади. Шунингдек, XXI аср бошида мамлакатнинг миллий таркиби 130 дан ортиқ миллат ва этник гуруҳлардан иборат бўлиб, халқлар ўртасидаги дўстлик муносабатлари миллатлараро тотувлик асосида мустаҳкамланиб бормокда. Шу ўринда айтиш керакки, ҳозирги кунда ер юзида, барча тарихий даврлардан фарқ қилмаган ҳолда, кўпмиллатли ва турли диний эътиқод ҳамда турфа маданият вакиллари истиқомат қилмоқда. Бу билан дунё давлатлари асосан икки турга, яъни полиэтник (*кўп миллатли*) ва моноэтник

(бир миллатли) гуруҳларга бўлинади. Аксарият давлатлар полиэтник ҳисоблансада, XX асрда моноэтник ҳисобланган Япония, Польша, Корея давлатлари ҳам ҳозирда полиэтник давлатлар таркибига қўшилиб бормоқда. Аниқланишича, дунё бўйлаб бетакрор маданий ва маънавий кадриятларига эга бўлган 1600 дан ортиқ этник гуруҳ яшайди. Бироқ БМТ томонидан тан олинган давлатлар сони эса 200 та атрофидадир. Натижада, дунёдаги ҳар тўрт давлатдан учтасида аҳолисининг тўртдан бир қисмини туб миллатга мансуб бўлмаган халқлар ташкил этади.

Айнан мана шу жиҳатлар минтақалардаги барқарорлик ва ҳамжиҳатликнинг мустаҳкамланиши, мамлакатларнинг миллатлараро тотувлик борасида олиб бораётган миллий сиёсатига боғлиқ бўлиб бормоқда.

Шуни инобатга олиб, истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистон ҳукумати миллатлар масаласидаги миллий сиёсатини умуминсоний кадриятлар, ўзбек халқининг миллий менталитетидаги бағрикенглик ғояларига асосланиб олиб борди. Натижада, ўтган давр мобайнида минтақада тинчлик ва миллатлараро ҳамжиҳатлик таъминланди.

Бу борада илмий тадқиқотлар ва хорижлик экспертларнинг эътирофида қайд қилинганидек, миллатлараро тотувликни таъминлашда “ўзбек модели” деган тушунча пайдо бўлди.

Миллатлараро масалада давлатнинг миллий сиёсати белгиланар экан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида белгилаб берилганидек, “Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташкил этади” [1;6] деган норма билан иш тутилди.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Республикада истиқомат қилаётган миллат вакиллари билан учрашувларида айтганидек: “Барчамизга яхши аёнки, инсон манфаатларини юрт тинчлиги, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳроқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитидан ажратган ҳолда тасаввур этолмаймиз. Буларнинг барчаси бизнинг бебаҳо бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек сақлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир” деб таъкидлаган эди.

Бу стратегик йўлнинг ҳаётда тасдиғини топаётгани кенг жамоатчилик ҳамда халқаро экспертлар томонидан муносиб равишда эътироф этилмоқда.

XXI асрда дунёнинг турфа миллатли манзараси ҳамда давлатлардаги турли халқларнинг диаспораларини ўрганадиган фанлардан бири – диаспорология фани ҳам жаҳонда кенг ривожланмоқда. Бунинг натижасида миллатлараро муносабатлар ва динлараро бағрикенглик масаласига янгича қараш, давлатлар ва халқлар ўртасидаги муносабатларга оид бугунги кун нуқтаи назаридан тадқиқотлар ўта долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач миллатлараро тотувликни таъминлашга қаратилган миллий сиёсатини минтақада барқарорликни таъминлашга қаратилган ҳолда белгилаб олди.

Жумладан, кўпмиллатли мамлакатимиз шароитида миллатлараро тотувлик ва барқарорликни таъминлаш учун унинг ҳуқуқий асоси, ташкилий жиҳатлари ва умуман олганда давлат ва жамият томонидан кафолат яратилиши керак эди.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси мустақиллик Декларациясида миллатлар масаласига оид бўлган дастлабки ҳуқуқий асосларни белгилаб берди. Яъни мамлакатда истиқомат қилаётган миллат ва элатлар, халқаро эътироф этилган ҳуқуқлардан тўла фойдаланиши, уларнинг яшаши учун бир хил шароит яратилган ҳолда, урф-одатлари, миллий қадриятлари, маданияти ва санъатини бойитиш, диний эътиқодидан эркин фойданишлари борасида тенг имкониятлар яратиб берилди.

Бунинг натижасида ўтган йиллар давомида турли миллат ва элатлар Ўзбекистонда бир оиладек аҳил ва иноқлик билан миллий истиқлолимизни мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилиб, тинч-тотув ҳаёт кечириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатини олиб боришда миллатлараро сиёсат муҳим ўрин тутди. Айниқса сўнгги йилларда мамлакатда шаклланган миллатларнинг диаспоралари яқин ва хориж давлатлар билан муносабатларни мустаҳкамлашда “халқ дипломатия”си сифатида ўзини намоён қилмоқда.

Шулардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда мустақиллик йилларидаги миллатлараро муносабатларда миллий сиёсат ва давлат стратегиясининг амалга оширилишида куйидаги йўналишларга алоҳида эътибор берилди.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб, халқимизга хос бўлган бағрикенглик, миллатлараро аҳиллик

ва инсонпарварлик дунёқараши, узок йиллар давомида шаклланган миллий қадриятлари янада ўзини намоён қилиб, унинг давлат сиёсатида ҳам акс этгани бўлди. Миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик масаласига минтақадаги барқарорлик ва тараққиётнинг устувор кафолати сифатида қаралди. Дастлаб, мамлакатда яшовчи миллатлар ва элатларга ўзлигини англаш ва миллийлигига хос бўлган жиҳатлардан фойдаланишга кўмаклашувчи собиқ Байналмилал маданият маркази ва дўстлик жамиятларининг фаолияти йўлга қўйилди.

Бу каби ҳаракатларни янада такомиллаштириш мақсадида “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг бешинчи “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар”ида “Хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш соҳасидаги устувор йўналишлар”и алоҳида белгилаб олинди [2]. Бу миллатлараро ҳамда динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг узвий қисми эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Чунки, Ўзбекистон ҳамда минтақанинг барқарорлиги кўп жиҳатдан миллатлараро тотувлик масаласига боғлиқ ҳисобланади. Шу боис, 2017 йилнинг 19 май куни “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони қабул қилинди. Шундан бошлаб, Ўзбекистон шароитида миллатлараро масалалар борасидаги давлат сиёсатини алоҳида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси амалга ошира бошлади.

Бу масаладаги Ўзбекистон амалиёти ва ташаббуслари жаҳон ҳамжамиятида ҳам ижобий намуна сифатида қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси билан БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 12 декабрдаги ялпи сессиясида қабул қилинган

«Маърифат ва диний бағрикенглик» махсус резолюцияси фикримизнинг исботи бўла олади.

Янги тахрирда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунда белгиланганидек, республикада барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга, улар жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар. Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон фуқароларининг виждон эркинлиги қонун билан кафолатланди.

**Иккинчидан**, мамлакатда миллатлараро муносабатларни тартибга солиб турувчи ҳамда миллий сиёсатда адолатли йўл тутиш борасида давлат, жамият, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари асосий қонунларда акс эттирилишида, умуминсоний ҳамда халқаро нормалар ҳам инобатга олинди.

**Учинчидан**, мамлакатда фаолият олиб бораётган 141 та миллий маданий марказлар фаолияти миллатлар ва элатларнинг манфаатларини ва тенг ҳуқуқлилиқ имкониятларини рўёбга чиқаришга хизмат қилди.

Чунки ушбу марказларнинг бугунги кундаги асосий вазифаси ҳам миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, мамлакатимиздаги ҳар бир миллат вакиллариининг миллий урф-одат ва анъаналарини сақлаб қолишга кўмаклашиш, бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришга қаратилган ташаббусларни қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

**Тўртинчидан**, мамлакатда миллатлараро тотувликка оид ижтимоий-гуманитар фанлар доирасида тизимли равишда тадқиқотлар олиб борилди. Бу эса миллатлараро тотувликнинг илмий асосларини ўрганиш, такомиллаштириш ва ёшларни бағрикенглик ғоялари руҳида тарбиялаш имконини берди.

Хусусан, республиканинг барча ҳудудларидаги таълим муассасаларида заруриятга қараб ўқув машғулотилари ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозок, туркман, қирғиз ва бошқа қардош халқларнинг тилларида олиб борилмоқда. Олий таълимда ҳам бу жиҳатларга алоҳида эътибор берилди.

**Бешинчидан**, миллатлараро тотувлик ва бу борадаги давлатнинг миллий сиёсатига оид тизимли равишда ижтимоий сўровлар орқали жамоатчилик фикри

Ўрганилиб борилди. Унинг таҳлилларига қараб, тегишли тузилмалар томонидан бу борадаги чора-тадбирлар белгилиб олинди.

Жумладан, “Ижтимоий фикр” Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг фаолияти ушбу масалада муҳим аҳамият касб этди. Марказ томонидан, доимий равишда “Ўзбекистон умумий уйимиз”, “Суверен Ўзбекистонда фуқароларнинг этнослараро ва конфессиялараро муносабати”, “Ўзбекистонга кўчирилган халқлар” ҳамда шу каби мавзуларда сўровномалар ўтказилди. Ушбу сўровномаларда иштирок этган турли миллат ва элат вакиллари мамлакатдаги миллатлараро адолатли миллий сиёсат олиб борилаётганлиги, ўзбек халқининг бағрикенглиги, меҳмондўстлиги ҳамда бошқа миллат ва элат вакилларини тушуна билиши қайд қилинди.

Масалан ушбу марказ томонидан Ўзбекистонда мустақиллик йиллари миллатлараро муносабатларнинг ҳолати, динамикаси жамиятда фуқаролар тотувлиги, барқарорлик ва ўзаро бир-бирини тушунишига кўмаклашувчи шарт-шароитлар ҳамда омилларни аниқловчи сўровномалар доирасида иштирок этган респондентларнинг 97,7 % яъни мутлоқ кўпчилиги мамлакатда миллатлараро муносабатларни ижобий баҳолади. Жумладан, ҳар уч ўзбекистонликдан бири бу муносабатни “жуда яхши” (33,1%), ҳар иккисидан бири “яхши” (59,7 %) деб баҳолаганини маълумотлардан кўриш мумкин.

Олтинчидан, оммавий ахборот воситалари орқали маълумотларни турли тилларда тарқатиш амалиёти кенг жорий этилди.

Яъни, Ўзбекистондаги мавжуд радиодастурлари ва телекўрсатувлар турли тилларда олиб борилиши йўлга қўйилган. Мақсад кўпмиллатли Ўзбекистонда миллатлар ва халқларнинг ахборот эҳтиёжларини тўла қондиришдан иборат эди.

Бундан ташқари ўндан ортқ тилларда газета ва журналлар нашр этилиши йўлга қўйилган. Табиийки, турли миллат вакиллари ўзларига кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрликларга жавобан давлат бошқаруви ишларида, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий ҳаётда фаол ва эркин қатнашмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда турли миллат ва элатлар, диний конфессиялар вакиллари ўртасидаги ахил-иноқлик, ўзаро маданият, урф-одат, анъана ва қадриятларини ҳурмат қилиш, бойитиш орқали ҳамжихатликни

таъминлаш, тинчлик-осойишталик, барқарорликни сақлаш йўлида олиб борилаётган оқилона ислохотлар ўзининг натижасини кўрсатмоқда. Ўзбекистон ана шу улуғ кадриятларни асрлар оша асраб-авайлаб, амалда қўллаб келаётганлигини эътироф этиб, давлат, жамият ва фуқаролар тамонидан халқлар дўстлигини асраш энг муҳим стратегик вазифа эканлигига амин бўлиш мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 76 б.
2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль Фармони // Халқ сўзи. 2017 йил, 8 февраль.
3. Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект. – Ташкент, 1998. – 232 с.
4. Ачилдиев А. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар. – Тошкент, 2000. – 164 б.
5. “Ижтимоий фикр” Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази маълумотномалари асосида тайёрланди.
6. Муртазаева Р.Х. Миграционные процессы в г. Ташкенте (на примере русской диаспоры в годы независимости) // «Русская диаспора в Узбекистане: время, события, люди» материалы научной конференции. – Ташкент, 2009. – С.33-44
7. Садыков Х.Д. Колониальная политика царизма в Туркестане и борьба за независимость в начале XX века. Автореф.дисс.докт.ист.наук. – Ташкент, 1994. – 56 с.